## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 25 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | |
|---|---|
| **1 Австралия доллари** | **575,02** |
| **1 Англия фунт стерлинги** | **1520,18** |
| **1 Дания кронаси** | **138,48** |
| **1 БАА дирхами** | **264,10** |
| **1 АҚШ доллари** | **970,00** |
| **1 Миср фунти** | **169,88** |
| **1 Исландия кронаси** | **12,16** |
| **1 Канада доллари** | **652,28** |
| **1 Хитой юани** | **117,19** |
| **1 Малайзия ринггити** | **255,30** |
| **1 Польша злотийси** | **237,74** |
| **1 СДР** | **1314,38** |
| **1000 Туркия лираси** | **0,56** |
| **1 Швейцария франки** | **697,49** |
| **1 ЕВРО** | **1028,39** |
| **10 Жанубий Корея вони** | **7,76** |
| **10 Япония иенаси** | **80,14** |
| **1 Россия рубли** | **30,91** |
| **1 Украина гривнаси** | **181,84** |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

## Ширкат туҳфаси

Н.Исанов номли ширкат хўжалиги томонидан Абдуллабий қишлоқ фуқаролар йиғини биносининг тўла таъмирланиб, жиҳозланиши Жалолқудуқ туманидаги бошқа хўжалик раҳбарига ҳам иборат бўлди. «Дўстлик» ширкат хўжалиги эса янги қурилган меҳмонхона биносини фуқаролар йиғинига туҳфа этди. Маъмурий бинонинг бўш хоналарида спортнинг стол тенниси, бокс, кураш турлари бўйича тўгараклари иш бошлади.

**О.ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ АРХЕОЛОГИК ДУРДОНАЛАРИ

## Японияда намойиш этилди

Мерос

Яқинда "Ўзбекистоннинг янги археологик дурдоналари" мавзуидаги кўргазма Япониядан Ўзбекистонга қайтди. У Ўзбекистон Фанлар академияси ва Япониянинг "Асахи Симбун" газетаси, Якушизи буддавийлик жамоаси, Халқаро Ипак йўли академияси томонидан уюштирилган бўлиб, Токио, Нара ва Фукуока шаҳарларида намойиш этилди. Японияда катта қизиқиш уйғотган кўргазмада турли тарихий даврларга оид экспонатлар ўрин олган. Улар халқимизнинг бой тарихи ҳақида ҳикоя қилади. Намойиш этилган топилмаларнинг энг қадимийлари милоддан олдинги иккинчи минг йилликнинг иккинчи ярмига (бронза даври) мансуб бўлиб, улар Сурхондарё вилоятидаги Жарқўтон шаҳар харобаларидан топилган. Юз гектардан ортиқ майдонни эгаллаган Жарқўтон ёдгорлиги Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги воҳа давлатининг марказий шаҳри бўлган. Ҳозир бу ерда шаҳар мудофаа иншоотлари, махсус баландлик устига қурилган ҳоким саройи, маҳобатли ибодатхона, ҳунармандчилик маҳаллалари ва аҳоли яшайдиган бинолар очиб ўрганилган. Қазишлар давомида турли-туман сопол, тош ва бронзадан ишланган идишлар, меҳнат қуроллари, қурол-яроғлар, тақинчоқлар, муҳрлар топилган.

Кўҳна Термиздаги Қоратепа буддавийлик маркази археологик ёдгорликлари кўргазма экспонатлари орасида алоҳида ўрин эгаллайди. Булар Археология институтининг Қоратепада олиб борган сўнгги тўрт йиллик тадқиқотлари давомида қайд қилинган. Улар асосан Қоратепанинг шимолий қисмида жойлашган ўта маҳобатли ибодатхонани ўрганиш давомида топилган. Кўргазмада оқ оҳактош ва лойганчдан тайёрланган Будда, боддхисатва, донатор ва Будда томонидан эъзозланган ҳайвон образлари, Будда ҳайкалчаларини қуядиган қолип, сополга битилган бактр ва кхароштхи ёзув намуналари, оқ оҳактошдан таралган устун кошлари, кушон шоҳларининг тангалари, турли шаклдаги сопол идишлар, нилуфар гулларининг япроқлари тасвирланган ибодат қопқоқлари кенг ўрин эгаллаган. Бу экспонатлар ноёб санъат дурдоналари қаторидан ўрин эгаллаган бўлиб, улар ўзларининг бетакрорлиги билан ажралиб туради.

Японияликлар орасида Сурхондарёдаги Зартепа ёдгорлигида топилган деворий сурат ҳам жуда катта қизиқиш уйғотди. Турли бўёқлар билан ишланган бу деворий суратда қуёш қуши — бургут Гаруда денгиз кўринишида тасвирланган. Қайд қилиш лозимки, Зартепа деворий сурати қадимий Бақтриядаги сақланиб қолган энг катта тасвир намунасидир. Суратни чизишда фойдаланилган бўёқ хиллари японияликларни ҳайратга солди.

Қадимги Суғдиёнанинг йирик марказларидан бири бўлган Ерқўрғондан топилган сополдан ишланган майда ҳайкалтарошлик намуналари ҳам кўргазма экспонатлари орасида муносиб ўрин эгаллайди. Илк ўрта (V-VII) асрларга оид Самарқанд яқинидаги Жартепадан топилган кумушдан ишланган маъбуда, бронза ойна ва асо ҳам ўз ифодасини топган. Ҳукмронлик рамзи ҳисобланган асонинг ўзаги темирдан, юқори қисми эса бронзадан ишланган. Попдан топилган, қамишдан ишланган қўшнай, мусиқий асбобларга мўлжалланган ёғочдан тайёрланган ғилоф, жун газламалардан тикилган кўйлак намуналари, ёғочдан ишланган тароқлар ва сополга чизилган туркий битиклар кўргазмада муносиб ўрин эгаллади. Айниқса экспонатларнинг ўзбек, инглиз ва япон тилларида тайёрланган каталогининг чоп этилиши диққатга моликдир. Унда экспонатлар топилган ёдгорликлар таърифи ва уларда қилинган кашфиётларнинг халқимиз тарихи ва маданиятини ўрганишдаги аҳамияти тўғрисида сўз юритилган. Экспонатларнинг бетакрорлиги, жозибаси ва сержилвалиги Ўзбекистон тарихи ва маданияти билан қизиқувчи минглаб японияликлар эътиборини ўзига мафтун этди. Бу тўғрида "Асахи Симбун" газетаси "Ўзбекистоннинг қадимги ва ўзига хос маданияти японларни ҳайратга солмоқда. Улар Буюк Ипак йўли ҳидидан баҳраманд бўлдилар", деб қайд қилди. "Ўзбекистон топилмалари маданий алоқалар ва ўзаро маданий бойишлар тарихини ўзида мужассамлаштирган", деб ёзди "Япония иқтисодиёти" газетаси.

"Ўзбекистоннинг янги археологик дурдоналари" кўргазмасини ёритган ҳамма Япония газеталари ва уни уюштирувчилар бу кўргазма Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги маданий, илмий алоқаларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга хизмат қилади, деб эътироф этдилар.

**Шокиржон ПИДАЕВ,**
**Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институтининг етакчи илмий ходими, тарих фанлари номзоди.**

## Янгиликлар, воқеалар, далиллар



### Кимё заводи топилди

***АҚШ ҳарбий бўлинмалари Бағдоддан 160 километр жануброкда кимёвий қурол ишлаб чиқарадиган заводни аниқлашди.***

***"Fox news" телекомпаниясининг хабарига кўра, завод 40 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, электр токи ўтказилган тиконли сим билан ўралган. У ерда ҳарбийлар учун махсус казармалар ҳам мавжуд. Завод бинолари яшил рангга бўялган. Уларни авиаразведка аниқлай олмаслиги учун шундай қилинган, деб маълумот беради қилади "News ru".***

### Ўз ҳоҳиши билан

***Буюк Британия Мудофаа вазирлиги минглаб ироқлик ҳарбийларнинг ўз ҳоҳиши билан асирга тушганлари ҳақида маълумотга эга. Мамлакат мудофаа вазири Жефф Хун ана шу ҳақда маълум қилган, деб хабар беради "Рейтер" мухбири.***

### Маълумотлар асоссиз

***Жанубий Корея президенти Но Мун Хен АҚШ Ироқдан сўнг Шимолий Кореяга ҳужум қилади, деган маълумотлар асоссиз эканлигини таъкидлади. Бу ҳақда президентнинг матбуот котиби хабар тарқатди, деб маълум қилади "Рейтер" агентлиги.***

### Мамлакатдан чиқариб юборилади

***Иордания беш нафар ироқлик дипломатни мамлакатдан чиқариб юборишини билдирди. Расмий Уммон хавфсизлик нуқтаи назаридан шундай қарорга келинганини билдирган.***

***Иордания расмий манбаларидан олинган маълумотларга кўра, Ироқ элчихонасининг маданият ва савдо бўйича вакиллари ва яна уч ходими дипломатик мақомга тўғри келмайдиган ҳаракатлар қилган, деб хабар беради "News ru".***

### Чеченистонда референдум



***Сўнгги маълумотларга қараганда, Чеченистонда бўлиб ўтган референдумда Чеченистон Республикасининг янги конституциясини овоз берганларнинг 96 фоизи қўллаб-қувватлади, деб хабар беради "Интерфакс" агентлиги.***

### Кашмирдаги фожиа

***Кашмирда 24 нафар ҳинд фуқаролари отиб ўлдирилган. Маҳаллий полиция вакиллари ана шу ҳақда маълум қилишган. Ҳозирча ҳужум қилганлар шахси ҳақида маълумотлар йўқ.***

***Ҳодиса Жамму ва Кашмир штатининг ёзги пойтахти Сринагар шаҳридан жануброкда жойлашган қишлоқда содир бўлди, деб хабар беради "Рейтер" мухбири.***

### «Оскар» топширилди



***Лос-Анжелесда Америка киноакадемиясининг "Оскар" мукофотини топшириш маросими бўлиб ўтди. Бу сафар "Чикаго" йилнинг энг яхши фильми деб топилди. "Пианиночи" фильмини яратган машҳур Роман Полански энг яхши режиссёр сифатида эътироф этилди. "Соат" фильмида бош ролни ижро этган Николь Кидман ва "Пианиночи"даги бош қаҳрамонни ўйнаган Эдриан Броди йилнинг энг яхши актёрлари бўлишди, деб хабар беради "Рейтер" мухбири.***

Муҳтарам юртдошлар!
Сизларнинг ҳар бирингизни гўзал баҳор умумхалқ айёми
Наврўзи олам
байрами билан чин қалбларимиздан самимий муборакбод этамиз.
Ҳаммаларингизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, узоқ умр, мустақил давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, бағри кенг халқимиз фаровонлиги йўлида ва «Обод маҳалла йили»да оламшумул ғалабалар тилаб қоламиз.
ХАЛҚАРО ШАРОФ РАШИДОВ ХАЙРИЯ ФОНДИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ҲАЙЪАТИ.
7083/672

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ОФИС ТЕХНИКАСИГА САРФЛАНУВЧИ МАТЕРИАЛЛАРНИ
харид қилиш учун
ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.
Тижорат таклифлари эълон чиққандан сўнг 7 кун давомида қабул қилинади.
Мурожаат учун манзил: 700083, Тошкент ш., «Ўзбекистон» шоҳкўчаси, 3-уй, Давлат божхона қўмитаси.
Телефон: 120-76-00 (ички: 28-59).

«ЖИЗЗАХПЛАСТМАССА»
очиқ ҳиссадорлик жамияти
вилоят аҳолиси, республика кимё саноати ходимлари ва Ўзбекистон халқини қутлуғ айём
НАВРЎЗ БАЙРАМИ,
янги йил боши билан табриклайди.



Жамоа аъзолари корхона ва ташкилотларга чекланмаган миқдорда 15 миллиметрдан 315 миллиметргача диаметрли пластмасс қувурлари, термоусадка плёнкалари, халқ истеъмол молларини (ҳар хил ҳажмдаги тоғоралар, челак, фляга, ликопчалар) таклиф этади.



Мурожаат учун телефонлар: 4-18-05, 4-15-22.

«ҚОРАҚАЛПОҚДОНМАҲСУЛОТЛАРИ» УЮШМАСИ ВА «ТАХИАТОШДОН» ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ
Бутун Ўзбекистон халқини, жумладан мамлакатимизнинг барча қишлоқ хўжалиги ва тармоқ корхоналари ходимларини Наврўз байрами билан самимий табриклайди, барчага соғлиқ, омонлик, осойишталик, бахту саодат тилайди!

Ривоят

*Конимех туманидаги "Маданият" ширкат хўжалиги ҳудудида Қизилкесак овули бор. Унга туташ тепаликни эса Арчабека дейишади. Қўшни овуллардаги ёшу-қари, мактабларнинг ўқувчилари ҳам бу ерга тез-тез келиб туришади. Баландликка ўрнатилган ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйишади. Сўнгра сал қуйидаги оқ ўтовда тўйиб-тўйиб суҳбат қуришади. Улар учун Арчабека муқаддас жой. Минг-минг йиллардан бери тепалик ҳақидаги ривоятлар тилдан-тилга кўчиб келаяпти.*

# АРЧАБЕКА

... Болалар жимиб қолишди. Ойсифат момо гоҳ оловланиб, гоҳ кўзлари қайғуга тўлиб сўзларди. У ўқувчилар илтимосига кўра Арчабека ҳақидаги ривоятлардан бирини ҳикоя қилмоқда:

— Ватаннинг ҳар бир қаричи ҳам ватан. Ана шу ўжар табиатли Қизилқумнинг кенгликлари, арчазорлар, саксовулзорлару охири кўринмас яйловлар киндик қонимиз тўкилган манзил. Ота-боболаримиз, момо-бибиларимиз қўшиқ ва ўланлар тўқишган. Юртимизнинг бебаҳолигини мадҳ этишган. Шу боис ҳам анави тепаликлар, қирадирлар учун жон олиб, жон беришган, қирғинбарот урушларда қатнашишган. Минг-минг йиллардан бери қўй боқиб, ўтов тикиб келаётган авлодларимиз Қизилқумни ёвдан ҳимоя қилишган.

... Бир неча кундан бери давом этаётган жангларда ёвнинг қўли устун келаверибди. Одамлар саросимага тушибди. Қадрдон гўшаларини ташлаб чекинишсинми? Ахир, қаёққа ҳам боришарди, ҳар бир жойнинг ўз тош-тарозиси бор-а?! Шунда тонг пайти Қизилкесак томондан ҳайқириқ янграб, бир ёш отлиқ арслон наърасидек ёвга ташланибди. Ўзга юртга суқ билан келган дайди суворийларни ҳамла билан бартараф этавериб, ҳолидан тойдирибди. Жанг бир неча кун давом этгач, танг ҳолда қолган душман чекиниб, жўнашга ҳозирлик кўрибди.

Лекин, ҳамма ҳайрон эмиш. Ёш отлиқнинг қурол-аслаҳалари, ташқи кўринишидан шу ерлик эканлиги сезилиб турса-да, ҳеч ким таний олмабди. Чекинаётган ёв тепаликка сўнгги бор жон-жаҳди билан юриш бошлабди. Шунда душманнинг ҳийлакор саркардаси ёш ботирнинг бошидаги телпагини найза билан уриб туширибди. Қаранг-а, у қизилкесаклик Арчабека исмли шаддот қиз экан. Чуваланган сочлари юзини бир лаҳза тўсганидан фойдаланиб, номард саркарда унинг бўғзига найза санчибди. Ўн гулидан бир гули очилмаган қизнинг қайноқ қонлари тепаликни алвон тусга бўяпти. Бу ҳолни кузатиб турган овулдошлари ғазаб билан жангга кириб, ёвдан қасос олишади. Шу-шу Арчабека тепалиги сари юришга ҳеч бир душманнинг юраги дов бермас экан...

Қизилкесаклик момолар бу ривоятни тўлқинланиб гапириб беришади. Арчабека пойидаги хотира майдонини зиёрат қилишади. Юртга ҳалол хизмат қилиб ўтганларнинг номлари битилган лавҳа остига гулчамбарлар қўйиб, қаддингизни ростлашингиз биланоқ, тепаликда қилич яланғочлаб турган Арчабека тимсоли кўз олдингизга келади.

Ойсифат момо эса Арчабека ҳақидаги ривоятларни такрорлайверишдан асло чарчамайди. Ахир, невараларига айтадиган гаплари кўп-да:

— Жасорат ҳамиша қадрланади. Хотиралар авлоддан-авлодга ўтаверади. Ватанни севган, унга жонини тиккан момоларимиз жасорати абадий. У ҳар бирингизнинг шуурингизда бўлсин. Чўл бекаларига таъзим айланг. Узоқ ўлкаларда абадий уйқуда ётган боболаримизни эсланг. Тинчликни қадрланг, шу ажойиб мустақил замонимизга муносиб бўлинг.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## Ўзбек фильмининг муваффақияти

Санкт-Петербург яқинидаги Гатчина шаҳрида IX "Адабиёт ва кино" фестивали бўлиб ўтди. Унда режиссёр Юсуф Роззиқовнинг "Ўртоқ Бойкенжаев" фильми бир неча совринларга сазовор бўлди.

Режиссёр Гатчинага кела олмади. Картинани унинг дўсти — актёр ва иккинчи режиссёр Фотиҳ Жалолов тақдим этди. Айнан унга "Культура" газетаси вакиллари фестивалнинг "Кутилмаган материалда кичик инсон образини яратишда адабий анъаналарга риоя қилгани учун" махсус соврини ва дипломини топширди.

Ушбу мукофотлардан ташқари "Ўртоқ Бойкенжаев" фильми анжуман ҳайъати томонидан "Барча нарсани, ҳатто воқеликни ҳам енга оладиган ҳажвия учун" ва Россия кинотанқидчилар уюшмаси дипломлари билан ҳам тақдирланган эди, — деб хабар беради Жаҳон АА мухбири Олег Шатуновский.

"Ўртоқ Бойкенжаев" фильми Боку шаҳрида ўтказилган халқаро "Шарқ-Ғарб" кино анжуманида ҳам муваффақиятли намойиш этилган эди.

Кино соҳасининг етук мутахассислари фикрича, "Ўртоқ Бойкенжаев" фильми шу йилги МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатларида яратилган энг яхши фильмлар учун топшириладиган "Ника" мукофотининг асосий номзодларидан бири бўлиши мумкин.

Ҳозирги кунда Юсуф Роззиқов ўзбек кинорежиссёрларининг кўзга кўринган намояндаларидан биридир. Унинг фильмлари қатор халқаро фестиваллар совриндори бўлган.

## Эзгуликка йўғрилган умр

**Шундай одамлар бўладики, умр бўйи ўзгаларга таъмасиз яхшилик қиладилар. Вақти келиб ана шу одамлардан дилозорлик қайтса-да яхшилик қилишдан чекинмайдилар. Негаки, яхшилик уларнинг эзгу аъмолига айланган. Пойтахтимиздаги 33-оилавий поликлиникаси шифокори Матлуба Ортиқметова ҳақида ҳам ана шундай дейиш мумкин. Ўттиз етти йилдирки опа маҳалла кезади, ҳар бир хонадондаги катта-ю кичикнинг соғ-саломат бўлишида ўзини масъул сезади.**

**— Маҳалламиз одамлари "доктор опа" дея мурожаат қилганларида бор чарчоғимни унутаман ва уларга кераклигимни ҳис этаман, — дейди олий тоифали шифокор Матлуба Ортиқметова. — Шифокор учун эса элнинг назари, ишончи ғоят муҳим. Бу менга масъулият юклайди. Ўз устимда тинимсиз ишлашга даъват этади.**



СУРАТДА: *Матлуба опа Ортиқметова ҳамшира Раъно Саидова билан.*

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**


**АТ «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»**

**Ўзсаноатқурилишбанк кенгаши 2003 йил 25 апрель куни соат 11.00да Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси, 6-уй («Ўзбекэнерго» ДАК биноси) да банк акциядорларининг ҳисобот умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабар қилади. Қатнашчилар ва делегатларни қайд қилиш соат 10.00дан бошланади.**

**КУН ТАРТИБИ:**

1. АТ «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг 2002 йилдаги фаолияти якунлари бўйича ҳисоботни тасдиқлаш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2003 йил 17 февраль куни 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда банкнинг 2003 йилдаги фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида.
2. АТ «Ўзсаноатқурилишбанк» тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Банкнинг 2002 йил учун бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини тасдиқлаш, шунингдек, банк фойдасини тақсимлаш.
4. Кредитлаш, инвестицияларни амалга ошириш, кадрларни ҳамда активлар ва пассивларни бошқариш, банк хизматларини, технологиялар ва ахборот тизимларини ривожлантириш соҳаларида «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг 2003 йилдаги сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш тўғрисида. Банкнинг 2003 йилга мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.
5. Янги таҳрирдаги банк уставини, «Ўзсаноатқурилишбанк» кенгаши тўғрисида"ги ва «Ўзсаноатқурилишбанк» бошқаруви тўғрисида"ги низомларни тасдиқлаш.
6. 2003 йилги банк ташқи аудиторини тасдиқлаш.
7. Банк кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш.
8. Банк тафтиш комиссияси янги таркибини сайлаш.
9. 2002 йилги иш якунларига кўра банк кенгаши аъзолари ва тафтиш комиссияси раисини тақдирлаш.
10. Банк акциядорлари бўлмиш жисмоний шахсларнинг оддий акцияларини белгиланган тартибда уларнинг аризаларига мувофиқ имтиёзли акцияларга қайта расмийлаштириш (конвертациялаш).
11. Акцияларнинг эгаси, ҳуқуқий вориси ёки меросхўр томонидан белгиланган даъво муддати давомида талаб қилинмаган дивидендларни банк даромадига (тасарруфига) ўтказиш.

**2003 йил 1 март ҳолатига акциядорлар реестрига киритилган акциядорлар йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга. Тегишли ахборот (материал)лар бош банкдан ёки банк филиалларидан олиниши мумкин.**

**Банк кенгаши.**

Корхона ва ташкилотлар диққатига!

**Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) республика бошқармасининг БУХОРО ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

**қуйидаги иншоотларга танлов савдолари (тендер) ўтказилишини эълон қилади.**

1. Олот туманининг «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида қишлоқ ҳакимлик маскани қурилиши (50 қатнов).
2. Вобкент туманининг И.Наимов номли жамоа хўжалигида қишлоқ ҳакимлик маскани қурилиши (50 қатнов).
3. Ромитан туманининг «Халқобод» жамоа хўжалигида қишлоқ ҳакимлик маскани қурилиши (75 қатнов).
4. Жондор туманининг «Мустақиллик» жамоа хўжалигида қишлоқ ҳакимлик маскани қурилиши (75 қатнов).
5. Қоракўл туманининг «Зиёрат» жамоа хўжалигида қишлоқ ҳакимлик маскани қурилиши (50 қатнов).

*Қурилишларни тугатиш муддати — 4 ой.*

**Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** етарли касбий ва техник малака, молиявий маблағ ва бошқа моддий имкониятларга, ўзаро ишончга, тажриба ва кўникмага, шунингдек етарли ишчи кучи захираларига, шартнома (контракт) тузиш учун фуқаролик ҳуқуқларига ҳамда қобилиятига эга бўлишлари лозим.

Буюртмачи: Бухоро вилояти ҳокимлиги «Оролбўйи» бирлашган дирекцияси.
Манзили: Бухоро шаҳри, Б.Нақшбандий кўчаси, 229-уй.
Телефонлар: 225-11-18, 225-14-22, 225-70-34.

Қурилиш ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендерлар) бўйича республика бошқармасининг Бухоро вилояти филиалига мурожаат қилиш мумкин.

**Манзил: Бухоро ш., Навоий шоҳкўчаси, 5-уй, 18-хона.**
**Телефон: 223-96-29, факс: 223-97-51.**

**Оферталар юқоридаги манзилда соат 10.00дан 17.00гача қабул қилинади.**

*Ҳужжатлар бир тўпламининг (комплект) қиймати — 50 000 сўм.*

**Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.**
**Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 1-уй, вилоят ҳокимиятининг кичик залида соат 10.00да.**

7074/624

**Ҳиндистоннинг МДҲдаги савдо-саноат палатаси Ўзбекистон Республикаси Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан ҳамкорликда**

INDO-CIS-COOPERATION

**2003 йил 24-26 март** кунлари «Интерконтиненталь» меҳмонхонасининг «Биллур» залида

**ҲИНДИСТОННИНГ САВДО КЎРГАЗМАСИНИ ЎТКАЗАДИ.**

*Кўргазма 25-26 март кунлари соат 10.00дан 17.00гача ишлайди.*

КЎРГАЗМАДА ҚУЙИДАГИЛАР НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ:

**фармацевтика ва машинасозлик саноати маҳсулотлари, заргарлик буюмлари, информацион технологиялар, халқ ҳунармандчилиги буюмлари, автомобиль эҳтиёт қисмлари, маиший техника ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (чой, кофе, зираворлар).**

*Барчани кўргазмага таклиф этамиз!*

7063/600


ИИВ Матбуот маркази хабар қилади

### ... Қайга борасан даводга

Наманган шаҳрининг Давлатобод тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи ариқ четидан номаълум эркак кишининг жасади топилган эди. Ушбу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилиб, тергов қидирув ишлари олиб борилди ва қисқа муддат ичида калаванинг учи топилди. Мурда муқаддам судланган 40 ёшли И.Ҳакимов бўлиб, унинг қотили турмуш ўртоғи бўлиб чиқди. Аёл ўзаро жанжал оқибатида эрини бўғиб ўлдириб, сўнг Д. ва Е. исмли акалари ёрдамида жонсиз танани ёқиб юборишга бош-қош бўлган экан.

### Қинғир ишнинг қийиғи

Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги "Иттифоқ" ширкат хўжалиги ҳудудида яшовчи Ш.Асадованинг хонадонида 1997 йилнинг 31 май куни босқинчилик содир этилганди. Номнишонсиз кетган жиноятчи орадан қарийб 6 йил ўтгач аниқланиб, қўлга олинди.У Тошкент туманида яшовчи Р. исмли шахс экан. Ҳозирда унинг яна бошқа "таржимаи ҳол"лари терговчилар томонидан ўрганилмоқда.

**Исмоил МИНАВВАРОВ,**
**ИИВ матбуот маркази ходими,**
**милиция майори.**


**«ҒАЛЛАБАНК»**

янги омонат турларини жорий этади.

**I. Аҳоли омонатлари**

* «Коммунал тўлов» — сақлаш муддати бир йил, фоиз ставкаси йиллик **42 фоиздан 48 фоизгача.**
* «Қувонч» — сақлаш муддати 3 ойдан 3 йилгача, фоиз ставкаси йиллик **43,2 фоиздан 55,2 фоизгача.**
* «Барака» — сақлаш муддати 3 ойдан 3 йилгача, фоиз ставкаси йиллик **45,6 фоиздан 57,6 фоизгача.**
* «Капитал плюс» — сақлаш муддати 3 ойдан 3 йилгача, фоиз ставкаси йиллик **48,0 фоиздан 60,0 фоизгача.**
* «Кўклам» — сақлаш муддати 3 ой, фоиз ставкаси **54 фоиз йиллик, маблағлар 15-25 март кунлари қабул қилинади.**

**II. Жисмоний шахслар учун депозит сертификатлари**

* Сертификатнинг амал қилиш муддати — 12 ой
* Сертификат тури — тақдим этувчига тўланадиган
* Фоиз ставкаси — йиллик 48 фоиздан 50 фоизгача
* Фоизлар ҳар чоракда тўланади.

**III. Юридик шахслар учун депозит сертификатлари**

* Сертификатнинг амал қилиш муддати — 1 ойдан 12 ойгача
* Сертификат тури — накдсиз, эгасининг номи ёзилган
* Фоиз ставкаси — йиллик 24 фоиздан 32 фоизгача
* Фоизлар ҳар ойда тўланади.

*Маблағларингиз хатарсиз ва сир сақланиши ҳамда ўз муддатида қайтарилиши кафолатланади.*

*«Ғаллабанк» хонадонингизга барака келтирсин!*

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар:
56-24-43, 56-22-65, 34-41-59, 136-16-17, 133-71-72.


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати **Фармон ОМОНОВ**нинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилади ва унинг қариндошлари ҳамда яқинларига ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари маркази жамоаси Марказ директори Акром Нуритдиновга волидаи муҳтарамаси **ЛАЗИФА ая**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати жамоаси масъул ходим Холмат Халиловга падари бузруквори **Халил РАҲИМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» нашриёти жамоаси етакчи муҳаррир Турғун Назаровга волидаи муҳтарамаси **ВАЗИРА ая**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**«Халқ сўзи» «Народное слово»**

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ**



Таҳрир ҳайъати:
**Э. БОЛИЕВ** (масъул котиб — «Халқ сўзи»), **П. ДЮГАЙ**, **Ш. ЖАББОРОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), **Л. КУЧЕРЕНКО**, **М. МИРАЛИМОВ**, **С. МУҲИДДИНОВ**, **Г. ПРОХОРЕНКО**, **Ш. РИЗАЕВ**, **А. САИДОВ** (масъул котиб — «Народное слово»), **М. САФАРОВ**, **И. ЎТБОСАРОВ**, **О. ҚАИПБЕРГЕНОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), **А. ҲАЙДАРОВ**, **Ў. ҲОШИМОВ.**



**БЎЛИМЛАР:**

*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34; 133-78-92
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар* — 133-52-55;
*Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм* — 133-10-17;
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт* — 132-11-15; 132-12-08
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.**
Буюртма Г — 253, 34889 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар **Ж. ТОҒАЕВ** ва **А. БОЛТАЕВ** томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — **А. ОРИПОВ.**
Навбатчи муҳаррир — **Б. ЭГАМҚУЛОВ.**
Навбатчи — **Р. ЁРЛАҚАБОВ.**
Мусаҳҳиҳ — **М. СУЛАЙМОНОВА.**

**МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
1 — тижорат материали.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.**

*Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди —* 21.20
1 2 3 4 5 6